

**МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРИЯТИДА ВАТАН МАВЗУСИНING
ИФОДА ЭТИЛИШИ**

КИРИШ.....	2-6
I боб. МУҲАММАД ЮСУФ ШЕЪРИЯТИДА АНЪАНАВИЙЛИК.....	7-20
II боб. ШЕЪРИЯТДА ЛИРИК КЕЧИНМА.....	21-30
III боб. ШОИРНИНГ ВАТАН МАВЗУСИДАГИ ШЕЪРЛАРИ ТАҲЛИЛИ.....	31-42
IV боб. МУҲАММАД ЮСУФ ДОСТОНЛАРИДА ВАТАН МАВЗУСИ ТАРАННУМИ.....	43-60
ХУЛОСА.....	61-65
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	66-68

Дунёда ҳеч бир нарса ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Ҳаттоки, энг кичик заррачанинг ҳам яралишида нимадир туртки ёки таъсир кўрсатган бўлса керак, хойноҳой. Бу фикрни шеъриятга муқоёса қилсак, кўнгил туйғуларининг яралиши қалбу шууримизни жунбишга келарли даражада хаяжонга солса, тасаввуримизни бошқа – номаълум бир олам синоатларининг мантиқини англашга даъват этса, демак, ушбу ҳодисага шоир ўз мақсадларини тўлиқ сингдира олганлиги, айти пайтда, “хос оҳанг”ни танлай билганлиги аёнлашади. Шоир – сўз танлайди. Сўзнинг руҳи ва киши кўнглига таъсир этувчи жиҳатлари ранг-баранг ва сержило бўлгандагина ҳақиқий шеър бўла олади. Негаки, шеър шоир англаган, ҳис қилган оламнинг меваси. Бу оламга кириб бориш бизни нафақат ижодкор оламига яқинлаштиради, балки дунёнинг сир-синоатларини тушунишга замин ҳозирлайди. Руҳиятнинг чексиз имкониятлари борлигидан огоҳ этади. Муҳими, уни қандай ва қай тариқа ифодалай билишда деб ўйлайман.

Қаҳрамонлари дунёқарашини, сюжет чизиғидаги долзарб мавзуларни дostonлар орқали тасвирлаш ва дostonлардаги дидактик мазмун, фалсафий эстетик моҳиятга суяниш анъанаси севимли ёзувчимиз Муҳаммад Юсуф ижодининг ўзига хос йўлини белгилаб берди. Унинг ҳар бир яратилган асари ўзбек адабий меросида бебаҳо хазина сифатида эътироф этилди. Ёзувчи яратган ҳар бир асар буюк фалсафаси, бадиий тасвир воситаларининг кенг кўламлилиги, тилининг соддалиги ва ранг-баранглиги, мусикий оҳангдорлиги билан китобхонни онг-у шуурини сеҳрлагандай бўлади. Ҳар қандай улкан ижодкорнинг буюклиги ўзининг онабағир фольклорини пухта билиши, унинг барҳаёт анъаналарини ижодий ўзлаштириш орқали ўлмас асарлар яратишдаги маҳорати билан белгиланади.

Фольклорга меҳр-муҳаббат, унинг анъаналаридан мадад олиш Муҳаммад Юсуф ижодининг етакчи тамойилларидан бирини ташкил этади. Муҳаммад Юсуф адабиётнинг халқчиллигини, оптимистик руҳини таъминлашни, энг аввало, фольклорда кўрди.

Ким Қашқарни қилди макон,
Ким Энасой томонда,
Жалолиддин — Курдистонда,
Бобуринг — Ҳиндистонда,
Бу қандай юз қаролиғ деб,
Ётарлар зимистонда,
Тарқаб кетган тўқсон олти
Уруғимсан, Ватаним...

Ёзувчи асарларида халқ оғзаки ижоди жанрларидан унумли фойдаланиш усули бир тарафдан, ўзбек фольклорини қайта-қайта мутола қилганининг муайян таъсири бўлса, иккинчи томондан ўзбек халқ оғзаки ижодининг бебаҳо мероси бўлмиш “Алпомиш” халқ эпосининг таъсири остида уйғонди.

Муҳаммад Юсуф Андижоннинг сўлим гўшаларидан бирида туғилиб улғайган. Болалиги ям-яшил бедапоярлар, чексиз далалар, ўт-ўланлар оғушида кечган. У бутун Ўзбекистонга бўлган меҳрини қалбининг вужудидан ўрмалаб

чиққан шеърларида намоён этган. Муҳаммад Юсуф чинакам табиатни хиргойи қилган ва ватанни мадҳ этган булбулзабон шоир эди. Ватан равнақи учун эса энг нозик касб эгалари деҳқонларнинг машаққатли меҳнатини эътироф этади.

Ер айланур, Ер айланур,
Ер югуриб тинмайди.
Яктагининг енгларидан
Тер югуриб тинмайди.
Қўлинг тегмай бу дунёда
Битта гиёҳ унмайди,
Тин билмаган жоним менинг
Бободехқоним менинг...

Юқоридаги шеърни ўқиб беихтиёр деҳқонларни севиб қоласиз. Улар билан дардлашасиз, ҳасратлашасиз, ҳайратланасиз ва унга таҳсин ўқийсиз.

Шоирнинг аксарият шеърларида юрт манзараси, меҳнат ўзбекнинг киёфаси бутун кўриниши ўз сийрати билан намоён бўлади. Шунинг учун унинг шеърларини бободехқондан тортиб илм одамигача бирдек тушунади ва севиб ўқийди. Ушбу тадқиқотни ёзиш жараёнида шоирнинг “Осмоннинг охири” шеърини ўқиб унинг шаклий изланишларидан қувондим. Шеърнинг менга ёққан жиҳати – фикрни эркин ва яйраб бемалол айтаолганлигидадир.

Дарҳақиқат шоир ҳар бир шеърда рост ва самимий сўз айтишга интиланган эди. Шунинг учун ҳам эл назарига тушган ва эл ардоғида эди. Шоирнинг юрак қонларидан алвон тусда яралган шеърлари туфайли Муҳаммад Юсуф бугун яшашда давом этмоқда. Шоирнинг сўзини ўқиб ўзини соғинасан киши. Худди у каби қизғолдоғ-у ялпизлар билан сирлашгинг, эрка кийикка худди у каби эркалангинг келади. Муҳаммад Юсуф ёниб шеърлар битди, ҳамиша сурур билан илҳом нашидаси билан яшади. Бу камдан-кам шоирга насиб этадиган ноёб ҳадисадир.

Кийик сўқмоқдан фақат кийикларгина юра олиши мумкин бўлганидек, шеърият йўлида улкан истеъдодларгина азобларига дош бериб юраолади. Айтиш мумкинки Муҳаммад Юсуф қисқа умрида бу йўлни елдиримдек босиб ўтди. Шоир ижодида жуда кўп ўринларда шеърият ҳақидаги ўйларини, кечинмаларини айтиб кетади. “Сен абадий яшайсан, шеърим”, “Шеърият, сен бир малҳам, сен бир ширин ғам...”, “Ахир, менинг дардим шеър эмас фақат”, “Мен шеърим қўлтиқлаб...”, “Энг гўзал шеър — Сенинг ёрилган қўлинг”(синглиси ҳақида), “Тўпори байтларим битар пайтим гох”, “Мен шеърлар ўқидим, кўнглингиз тўлмади” (Ота), “Субҳидамда шеърим битди...”, “Сен яхши ниятсан. Шеърият”, “Шеърга ёр бўлдим, у бир юхо янглиғ домига тортар”, “Қовурғамнинг тагида бир қумри йиғлар”, “Доскадан мени айирсанг - ШЕЪР бўлади” (Математика дарси). Буларнинг ҳаммасини мағзида Муҳаммад Юсуфдаги шеърга бўлган муносабат акс этган. Бу шунчаки муносабат эмас. Умрини шу йўлга тиккан, шеърсиз яшай олмайдиган инсоннинг муносабати. Улкан истеъдод, зуваласи шеърият нури

билан тўйинтиринган шоирнинг дил сўзларидир. Мана шунинг учун Муҳаммад Юсуф бадий жиҳатдан юксак, гўзал шеърлар ярата олди.

Унинг шеърларини таровати нимада?. Ҳар бир шоирнинг ўзига хос овози бўлади деймиз. Бу қандай шаклда акс этади ?. Аввало, шоирнинг бадииятида, фикрларининг айтиш услубида, сўз қўллашию туйғуларини таъсирли тарзда ифодаланишида. Маъно теранлиги, шакл ва мазмун уйғунлигида. Муҳаммад Юсуф шеърлари ўзининг майинлиги, теран фикрларни содда (жўн эмас) қўйма мисраларда бера олиши билан ажралиб туради. Куйдек оҳанглар сингармониясида жаранглайди. Муҳаммад Юсуф ҳеч қачон туйғуларга тўлмай, илҳомсиз шеър ёзмайди. Унинг қалбида шеърят маъбуди шивирлаб тургандек.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов Муҳаммад Юсуфнинг “Халқ бўл, элим” китобига ёзган “Бетакрор шоир” сўз бошисида Муҳаммадjonнинг сийратини кўрсатиб шундай ёзади: “Чинакам шоирнинг қалбида аллақандай соҳир қуш сайраб туради, деган гапни кўп бора эшитгандик. Ўша қуш айнан Муҳаммадjonнинг, Муҳаммад Юсуфнинг юрагига ошён қурганига мен астойдил ишонаман. Унинг кўзлари ҳам, чехраси ҳам ҳамisha латиф бир куйни хониш қилгандай эди” (“Халқ бўл, элим” .”Ўзбекистон”.Тошкент-2009. 3-бет). Унинг шеърларини ўқиганингизда, мана шундай кўнгил қушининг овози қулоғингизга киргандай, худди сиз айтмоқчи бўлган фикрни, янада бошқачароқ қилиб айтсак сизнинг ўйларингизни қоғозга туширгандек бўлади шоир. Шунинг учун унинг сатрлари китобхон кўнглига яқин.

Муҳаммад Юсуф ижодининг энг ўткир қирраларидан бири она юрт , эл, ватан ҳақида меъёрига етказиб, бошқаларга ўхшатмай ёза олишидир. Шоир шунчаки мақтовлар тизмасини тизмайди. У кўнгидаги юртга бўлган садоқати, миллатга бўлган меҳри, фидойи туйғуларини кўшиқ қилиб қўйлайди. “Биздан озод ватан қолади”, “Фидойилар”, “Ватан”, “Иншооллоҳ”, “Тилак”, “Она Туркистон”, “Ватан мадҳи”, “Алпомишлар юрти бу диёр”, “Ҳайрат”, “Изҳори дил”, “Бободехқоним”, “Ўзбекман”, “Ватан яғонасан”, “Тавалло”, “Ўзингдан қўймасин халқим”, “Менинг ватаним”, “Иншооллоҳ”, “Сизга айтсам”, “Ҳур ўлкам”, “Ўзбекистон” ва яна бошқа кўплаб ватан мавзусидаги шеърларида шоир баландпарвозликдан қочиб, самимий сатрларда юртга дил изҳори қилади. “Иқрор” (2007 йилда чиққан шоир “Сайланма”сида бу шеър “Ўзбекистон” номида берилган) шеърдаги қуйидаги сатрлар қайси кўнгилга сурур бағишламайди дейсиз:

О, ота маконим,

Онажон ўлкам,

Ўзбекистон, жоним тўшай соянга.

Сендай меҳрибон йўқ,

Сенингдек кўркам,

Римни алишмасман бедапоянга.

Шоир шу руҳда давом этиб: “Парижнинг энг гўзал ресторанларин, битта тандирингга алишмасман мен. Баҳорда Бахмалда туғилган қўзинг, араб оҳусидан азизроқ менга” дея кўнглини очаркан шеърни ўзбекона камтарлик ҳамда ғурур билан: “Сени билганларга қиламан таъзим, сени билмаганга раҳмим келади” деб тугатади.

Шоирнинг бунингдек таъсирли мисрали билан китобхон кўнглидаги юртсеварлик дарахтининг илдизи янада мустаҳкамланади, барглари кўркамлашади. Зотан, яхши шеър мудроқ кўнгилларни уйғотиши, уйғоқ кўнгилларнинг хиддатини ошириши даркор.

Ватан ҳақида умимий руҳда ёзилган шеърлар адабиётимизда истаганча топилади. Муҳаммад Юсуф шеърларининг улардан фарқли жиҳати, бу хассос шоирнинг ватан ҳақидаги шеърларини ўқиганингизда бевосита Ўзбекистон ҳақида сўз кетаётганини сезиб турасиз. Шоир шеърни “Ўзбекистон” дея номлаши, унга бериладиган таъриф ёрқинроқ ҳис қилиниши учундир:

Ялпизлари

Кўкка туташ,

Тунлари зар,

Тонги маржон.

Юлдузлари-қотган қуёш,

Қуёшлари куйдирмажон.

Олтин тупроқ,

Зумрад далам,

Ипак карвон,

Олмос қалъам.

Кузда кетган қушлари ҳам,

Баҳор кўмсаб қайтган айвон-

Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Бу банддаги ҳар бир муболаға, ўхшатишни бадиий топилма дейиш мумкин. Ўхшатиш, қиёслаш, муболаға каби бадиий тасвир воситаларидан кетма-кет, ўринли тарзда Ўзбекистоннинг сувратини сўзларла чизган муаллиф, энди Ўзбекистонинг характерин очиш учун, ўзбекка хос феълий хусусиятларга ўтади:

Дунё ичра

Тенгсиз дунё,

Зарчапон қалб

Ялагтўшим.
Қўли очик,
Меҳри дарё,
Мушти қаттик,
Кўнгли бўшим.
Ўғлига от бўлиб чўкиб,
Қизларига алла айтган,
Белбоғига борин тўкиб,
Тўйга бориб тўймай қайтган.
О, болафёъл,
О, болажон-
Ўзбекистон, Ўзбекистон!

Шоир эҳтирос билан бекорга “О, болафёъл, о, болажон” демайди. Болафёъллик — кўнгил софлиги, ишонувчанлик, бошқаларнида ўзидек ўйлашнинг аломати. Болажонлик – ниҳоятда болани яхши кўриш, ўзи емай едириш, ўзи киймай боласига кийдириш дегани. Шоир Ўзбекистонни мана шундай бир инсонга қиёслаётир. Шу 15 мисранининг сўнгисидагина шоир Ўзбекистон номини атайди, аммо аввалги 14 мисрадаёт сиз сўз ўзбек ҳақида, Ўзбекистон ҳақида кетаётганини ҳис қилиб турасиз. Мана шоирнинг маҳорати. “Тўйга бориб тўймай қайтган” мисрасига эътибор беринг. Нима тўйда овқат бермайдими?. Ўзбек бўлмаган одам буни тушуниши қийин. Ўзбек ҳеч қачон тўйда бўккунича овқат емайди. Шарқда тўйгами ё бирор меҳмондорчиликка бориб ўтиришнинг, овқатланишнинг ўз одоби бор. Шоир ана шундай одоб — ўзбекона камсуқумлик ҳақида гапираётир. Бир сатрда бутун милатнинг тийнати кўрсатаётир.

Муҳаммад Юсуф ватанни шунчаки мадҳ қилмайди. Ватан тарихида ўчмас из қолдирган, юртпарвар улуғларини эслаб, хотирани уйғотади. Элим деган эр миллат байроғини юракка қадашини “Ватан мадҳи” шеърида поэтик қиёсда шундай айтади:

Ўпинг, кўзингизга суриг тупроғин,
Ҳар сўзин муқаддас дуодек севинг.
Қаданг юракларга миллат байроғин
Ватанни Нажмиддин Кубродек севинг.

Шоир тарихий шахс Нажмиддин Кубро номини эслаш билан шонли тарихга ишора қилса, “дуо” архаик сўзини қўллаш билан шеърнинг таъсирчанлигини орттираётир. Дуо ҳар бир ўзбек учун муқаддаслиги аён.

Ватанни севган, меҳрини жонига жо қилганларни ватан ҳам онадек бағрига босади:

Шодон куним гул отган сен,
Чечак отган изимга,
Нолон куним юпатган сен,
Юзинг босиб юзимга.
Синглим дейми,
Онам дейми,
Ҳамдарду ҳамхонам дейми,
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри –
Илиғимсан, Ватаним.

Парча келтирганимиз “Ватаним” шеъри шоирнинг шу мавзудаги яхши шеърларидан бўлиб, ватаннинг улуғлардан улуғлиги жуда моҳирона ифодаланган. У ватанни, халқини қандай бўлса шундайлигича севади. Ҳар недан азиз деб билади.

Муҳаммад Юсуфнинг ватан, халқ тарихи ҳақидаги шеърларида кўнгли жилва қилиб, туйғу самимийлиги силқиб тургани, мантиқий изчиллик кучли бўлгани учун ҳам ўқувчинини дилига ўрнашади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, таниқли адиб Муҳаммад Али “Шоирнинг сози тинмайди” (“Халқ сўзи” газетаси. 2014.25 январь) мақоласида шоирнинг ватанпарварлик мавзусидаги шеърлари ҳақида жуда топиб қуйидагиларни битади: “Муҳаммад Юсуф шеърятининг энг олий фазилати, фикримча, бу унинг соф ва пок самимиятида мужассамдир. Самимият, халқона руҳ унинг шеърларини жилолантириб, безаб, уларга бетакрор кўрку тароват бағишлайди. Энг яхши фазилатларидан яна бири – лоқайдликдан йироқлик, ҳаётга бефарқ эмаслик. Куйканак кўнгил, аммо йиғлоқилик, қўл қовуштириб тақдирга тан бериб ўлтириш унга ёт. У кўрган, завқланган ёки нафратланган нарсасини дарҳол ифодалашга интилни, қўлига қалам олди. Шоир ижодида бўй чўзиб турган муҳташам образ – бу, албатта, Ватан образи, Ўзбекистон тимсоли. Муҳаммад Юсуф “юрагининг Олампаҳоҳи бўлган” Ватан ҳақида ҳамиша жўшиб ёзади”.

Менга еринг суюк,
Осмонинг суюк.
Боқсам, тенг
Тўрттала
Томонинг суюк.
Товонимга кирган

Тиконинг суюк–
Кафтдан
Зирапчанг ҳам
Юлмай севаман.

Инсоннинг кучи унинг юрагида бўлади. Юрагида қудрати бор инсон ғурурли бўлади. Аввало юрак дов бўлиши керак. Муҳаммад Юсуфнинг ватанпарварлик руҳидаги шеърларида мана шу юракнинг кучи беқиёслиги сезилиб туради. Ватан ҳақида ёзилган айрим шеърларни муаллифи номини ўзгартирсанг, худди шу сўзларни бошқа миллат вакили айтса ҳам бўлаверадигандек. Муҳаммад Юсуфнинг ватан, юрт ҳақидаги шеърларини бошқа бирор шоирники билан алмаштириб бўлмайди, адаштириб бўлмайди. Бунинг сабаби Муҳаммад Юсуф фақат юрт табиатига хос, миллатга хос сўзларни (мн: бедапоя, тандир, тўн в.б.) қўллашида эмас, унинг шеърларига миллат руҳини сингиб кетганида. Халқ кўнглини акс этдира олганидандир. Шунинг учун ҳам Муҳаммад Юсуфнинг ватан ҳақидаги шеърлари ўзликни англашимизда таъсири сезиларли. Айниқса, ёшлар қалбида ватанпарварлик, миллатсеварлик туйғусини тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга. Бунинг сабаби Муҳаммад Юсуф, аввало, ўзлигини тушуниш учун ўз ички тийнатиغا кўп эътибор қилади.

У шоир сифатида ўзини англагани учун ҳам унинг шеърлари бошқаларнида ўзлигини англашга ундайди. Миллий ғурурни камол топтиришда ватан учун, халқ учун ифтихор туйғусини ўстиришда Муҳаммад Юсуф шеърлари улкан маънавий озиқдир. “Қуёшистоним”, “Ўзингдан қўймасин, халқим”, “Қайда бор”, “Ватан яғонасан”, “Ўзбекман”, “Ўзбек палвонларига”, “Муҳаммадқодир”, “Чаманистоним” каби кўплаб шеърларида, “Юлдузлар билан сирлашган, тилла кўнғироқли карвон ўзбек”ман деган шоир кўнглида юртга меҳр, фахр туйғуси нақадар юксаклигини кўрамыз. Истиқлолга етишгач, тарихимиздан ифтихорланишнинг ўзи камлик қилади. Энди ўзбек деган ном жаҳонга таралиши, дунёни кучиши керак. Шоирнинг мана шундай эзгу нияти “Дунёларни кучди ўзбек деган ном” шеърида аксини топган:

Бошин не тошларга урди бу диёр,
Неча вайрон бўлди, қурди бу диёр.
Тожмаҳал меъмори, Нилнинг мироби
Имом Бухорийлар юрти бу диёр.
Бизни йўқлаганга биздан ҳам салом.
Дунёларни кучди ўзбек деган ном!

Юқоридаги шеърнинг мантиқий давомидай бўлган “Хур ўлкам” шеъридаги қуйидаги мисралар эса ватан, дунёни кучган ўзбек деган ном

учун ўтда куйиш, сувда чўкиш тайёр қалб нидосидек садо беради. Миллат учун, ҳурликни, эркни сақлаб қолиш учун жон фидолик ҳар бир миллат вакилига безак бўларли хусусият эканлиги шеър мазмунидан англашилиб туради ва фидойиликка даъватдек янграйди:

Ватан!

Қандай сеҳрли куйсан,

Пойингга жон тиксам арзийди.

Сенинг учун ўтларда куйсам,

Дарёларга чўксам арзийди!

Ёки юртмиз обрўсига обрў қўшган, бокс бўйича жаҳон чемпионимизга бағишланган “Муҳаммадқодир” шеърда ватандошнинг ғалабасидан туйган ғурур, китобхон қалбинида жунбушга келтириб юборади. Ўзбекистонда ҳамиша эр ўғлонлар бўлганлиги кишини руҳлантиради.

Асл чемпион ҳар

Ўзбек бўлган,

Даладир дунёда

Асли катта ринг

Дехқоннинг қўлига

Кишанлар солган,

Миллат душманлари

Сенинг рақибинг.

Зарбингдан қалқисин

Кулаётганлар,

Юмшоқ ўрнидан бир

Туриб қўйсинлар.

.....

Қай рақибинг йиқсанг,

Улар тарафга

Бир кулиб қараб қўй,

Муҳаммадқодир.

Яъни қалби ғариб, қусурли одамнинг юрагидагина юрт севгиси бўлмайди. Муҳаммад Юсуфнинг она ватанни куйлаган шеърларининг ўқувчи

калбига етиб бориши ҳам, тоза юрак билан, меҳр билан самимий сатрларда тизганидадир.

Ўзбек халқ оғзаки ижодида, мумтоз адабиётимзда, XX аср ўзбек шеъриясида дostonларнинг гўзал намуналари яратилган. Демак, ўзбек ўқирманига дoston ёзиб манзур қилиш осон эмас. Дoston ёзиш шоирдан улкан малака талаб қилади. Энг муҳими шоирнинг дoston шаклида айтадиган сўзи, асарга яраша бадиий юк бўлиш керак.

Муҳаммад Юсуф бешта дoston яратди. “Эй, дил”, “Қора кyuёш”, “Кўхна кудук”, “Темирлар нидоси”, “Осмоннинг охири” каби асарларида Муҳаммад Юсуф талантининг яна бир қирраси—дostonнавислиги зухурланган.

Муҳаммад Юсуф дostonлари кўпроқ лирик планда. Лирик қаҳрамоннинг кечинмалари ифодаси етакчидир. Шоир воқеабандликдан кўра ички туйғуларни ифодалашни доминанд қилгани ҳам, унинг қарашларидан, айтмоқчи бўлган фикрларига мос шакл излаганидан. Муҳаммад Юсуф айни вақтда эпик, драматик дoston унсурларини ҳам қўллайдик, бу унинг дoston жанри табиатини яхши билганлигининг далолати. “Ўтмишингни ўйлаб ўртанар жоним, тошларни йиғлатган дostonларинг бор” сатрларини битган шоир дostonларида бир ўғлон сифатига халққа, ватанга бўлган меҳри силқиб туради. Шоирнинг руҳоний маданияти, дилидаги фикрлар дostonларида янада теран акс этади.

Муҳаммад Юсуф кўнгил билан мулоқот тарзда ёзилган, фалсафий-ҳиссий “Эй, дил” дostonида шоир фарзанд сифатида юрти учун нима қилганини, элнинг қорига ярадим, йўқми саволларини қўйиб, ўзини —ўзи тафтиш қилаши ҳолатидаги ички монолог билан бошланади:

Бўйи райҳон юртимнинг
Қадрин билиб юрдимми.
Кулганда шод,
Куйинганда
Бағрим куйиб юрдимми?
Дардин олай дедим,
Лекин
Дардин билиб юрдимми?..
Эй дил, сен айт!

Дoston бошламасидаги мана шу руҳ ундов оҳангида ўз дилига хитоб асарнинг бутун моҳиятига сингдирилган. Лирик қаҳрамонни она бўлган юртга фарзанд сифатида нима беролгани ўйлантиради. Сўроқ оҳангидаги сатрларда ўзидан қоникмаслик, ўзига юк қўйиш, бурчни англашга чорлов бор. Шоир бунда кўнглига мурожаат қилапти. Дostonнинг “Эй, дил” дея

номланиши ҳам бежизга эмас. Инсон ҳеч қачон ўзини ўзи алдаёлмайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам виждон овози сўзини айтиб туради. Дилга мурожаат виждонга мурожаатдир. Бошқача қилиб айтганда шоир қалбидаги туйғулар, онгидаги фикрлар дoston диалогларида акс этади. Тўмарис, Мангуберди, Улуғбек каби ватан фидойиларининг номини эслаганда дилини соғинч ўртаса, Чингиздек босқинчи номини тутганда кўнгли йиғлайди. “Гиёҳ унмай, ер йиғлайди, Чингиз ўтган жойларда. Кўксимда бир шеър йиғлайди Чингиз ўтган жойларда”.

Шоирнинг Чингизхон эмас, Чингиз деб аташининг ўзида муносабат бор. Ўтмишдаги аждодлар олдида авлодларнинг бурчдорлиги, уларнинг хотирасини азиз тутиш даркорлиги тарихий сиймолар мисолида уқдирилади. Аммо, замона зайли билан ўшандай қилолмаганликдан надомат қилади:

Боболаринг
Дастингдан дод
Уриб келса, нетарсан,
Унутдинг деб
Устингга от
Суриб келса, нетарсан?
Мирзо Бобур
Мозоридан
Туриб келса нетарсан?-
Эй дил, сен айт!

Бу тарих талотўпларида бир-бирига яроғ кўтарганлар учун, бирлашиш ўрнига ажралиб ўзгаларга қарам бўлиб қолганликнинг армонидаир. “Бўлар элнинг зоғи лочин, қуёни ҳам шер экан. Бўлмас элнинг болалари бир-бирини ер экан”. Шоир халқ мақолига асосланиб мана шундай ўхшатишлар билан дostonнинг бадиий пухталигинида, фалсафий салмоғинида оширади.

Ватанни шамсимоҳ, паноҳ билган шоир ватаннинг ўтмишигада келажагигада бефарқмасдир, бундай бўлиши мумкинам эмас.

Юракда бир
Армоним бор,
Тугамайди сўйласам,
Юракда хур
Достоним бор,

Офтоб тинглар куйласам.

Юртим, сенга

Фидоларнинг

Ёдига мангу машъал-

Тупроккўрғон

Узра алвон

Байроқ ёнар бўйласам.

Шоирнинг “Офтоб тинглар куйласам” мисрасида унинг қалбидаги қат-кат аламларнинг нидоси бор. Асарда мозий лавҳалари поғонама поғона юқорилаб, шоир ҳам даврга мос таърифларни бериб боради. XX аср шундай тафсифланади: “Асрим темир, асрим чўян, ботмайди дил бўзлари, асрим доно, асрим нодон – йигирмада ўзлари. Ўйга ботиб “Уҳ”лар отиб, лабда қотиб сўзлари, Она замин айланади – бир тугмада кўзлари”. Бу тугма атом тугмаси. Шоир ўтмиш, мўғил босқини ҳақида сўз кетганда “ой нурида ханжардек ялтирайди майсалар” ташбеҳини топса, XX аср даҳшати атом тугмасини ваҳшаттугма, даҳшаттугма дейди. Муҳаммад Юсуф бадий санъатлардан нафосат учунгина эмас, давр руҳини беришда ҳам моҳирона фойдаланади.

Достонлардаги маҳзунлик тарихимиздаги қора доғлардан кўнгилга кўчган изтироблар аксидир. Тарихимизда миллатни сотганлар, бир – бирини оёғидан тортганлар озмунча бўлганми? Шоир юрагини қийнаган дардлар – ўз тарихини яхши билмаслик, оғизбирлик йўқлиги. Муҳаммад Юсуф достонларида ҳар бир сўзнинг ўз ўрни бор. Шоирнинг сўз қўллаш маҳорати мазмун моҳиятига мос сўзларни керакли жойда ишлатишида кўринади. Достонларда архаизмлардан ҳам, шева сўзларидан ҳам меъёрда фойдаланади муаллиф. Умуман асар тили, китоб ҳақида сўз кетганда профессор Низомиддин Маҳмудовнинг куйидаги фикрларини эслаш ўринли бўлурди: “Китобдаги сўз рост ва расо бўлиши, китохонни ишонтириши, туйғуларига таъсир қилиши ёки, камида, бу туйғуларни қийнамаслиги шарт. Акс ҳолда, китобнинг сариқ чақалик қиймати қолмайди. Китоб бадий бўладими, илмий бўладими, бундан қатъи назар, ундаги тил тугал, тил идроки интизоми учун ибрат мақомида бўлмоғи лозим” (“ЎзАС”. 2014 йил 10 январ). Муҳаммад Юсуф шеърларида ҳам, достонларида ҳам китобхон туйғусини қийнамаслик, аксинча уни ёлқинлаштириш устиворлигини сезамиз. Ишонтириш қудратини туямиз.

Шоир достонларида Ватанга бўлган муҳаббатни, эл-юрт олдидаги фарзандлик бурчини ҳамиша ҳис қилиб яшаш туйғусини, ўз кадримизга ўзимиз етишимиз, бўламан деган эл ботириб деб яшаши даркорлигини таъсирли мисраларда қалбга кўр соладиган қилиб ифодалайди. Ватан сувратини кўнглимизда янада жилолантириб, бир-биримизни авайлаб меҳрла

умр кечириш истагини ловуллади. Юрт тинчлиги энг улуғ неъматлиги ва бунинг кадрига етиш масъулиятини сездиради. Муҳаммад Юсуф дostonлари ва шеърлари унинг истеъдодининг кўлами, шеърятнинг катта – кичик жанрларида, ҳар қандай мавзуда бадий жихатдан пухта, фикрий теран асарлар ёза олишининг исботидир.

Xulosa

Muhammad Yusuf ijodining eng oʻtkir qirralaridan biri ona yurt, el, vatan haqida meʼyoriga yetkazib, boshqalarga oʻxshatmay yoza olishidir. Shoir shunchaki maqtovlar tizmasini tizmaydi. U koʻngidagi yurtga boʻlgan sadoqati, millatga boʻlgan mehri, fidoyi tuygʻularini qoʻshiq qilib kuylaydi. “Bizdan ozod vatan qoladi”, “Fidoyilar”, “Vatan”, “Inshoolloh”, “Tilak”, “Ona Turkiston”, “Vatan madhi”, “Alpomishlar yurti bu diyor”, “Hayrat”, “Izhorī dil”, “Bobodehqonim”, “Oʻzbekman”, “Vatan yagonasan”, “Tavallo”, “Oʻzingdan qoʻymasin xalqim”, “Mening vatanim”, “Inshoolloh”, “Sizga aytsam”, “Hur oʻlkam”, “Oʻzbekiston” va yana boshqa koʻplab vatan mavzusidagi sheʼrlarida shoir balandparvoqlikdan qochib, samimiy satrlarda yurtiga dil izhorī qiladi. “Iqror” (2007 yilda chiqqan shoir “Saylanma”sida bu sheʼr “Oʻzbekiston” nomida berilgan) sheʼridagi quyidagi satrlar qaysi koʻngilga surur bagʻishlamaydi deysiz:

O, ota makonim,

Onajon oʻlkam,

Oʻzbekiston, jonim toʻshay soyanga.

Senday mehribon yoʻq,

Seningdek koʻrkam,

Rimni alishmasman bedapoyanga.

Shoir shu ruhda davom etib: “Parijning eng goʻzal restoranlarin, bitta tandiringga alishmasman men. Bahorda Baxmalda tugʻilgan qoʻzing, arab

ohusidan azizroq menga” deya ko‘nglini ocharkan she’rni o‘zbekona kamtarlik hamda g‘urur bilan: “Seni bilganlarga qilaman ta’zim, seni bilmaganga rahmim keladi” deb tugatadi.

Muhammad Yusufning she’riyatga kiyib kirgan nazmiy yaktagi o‘ziniki edi. She’ru shoirlik uning uchun umriy qismatga aylangan edi. U hayotning hamma hashamlariga erishmog‘i mumkin edi, biroq hammasidan she’rini, vijdonini baland qo‘ydi. Muhammadjon shon-shuhratni tama qilmadi, shuhrat unga yetisholmay, xun bo‘lib izlaridan yugurib, so‘roqlab yurdi. Dardli, samimiy tiniq she’rlari bilan qisqa vaqt ichida qo‘shiqchilikning dimiqib ketgan havosini tozartirishga muvaffaq bo‘ldi. She’rlari qo‘shiqday o‘z ohangi, musiqasi bilan tug‘ilgani uchun ham darhol xalq suygan, odamlarning ko‘nglidan tez joy olgan mashhur ashulalarga aylanib ketdi. Uning qo‘shiqlari maddohlik, quruq qofiyabozligu o‘rtamiyonachilikdan yiroq, nimaiki yozgan, aytgan bo‘lsa – chin dildan, mehr va muhabbat bilan aytgan edi. Oddiy kundalik so‘zi ham shoirning kimligini, hayotdagi tutumi, insoniy qiyofasini bildiradi. Vatanparvarlik oiladan, oilaviy muhitdagi tarbiyadan boshlanadi. Muhammadjon o‘z oilasini bo‘lakcha mehr bilan sevuvchi, oilaparvar, bolaparvar inson edi. Buni volidai muhtaramasi, uka-singillari, umr yo‘ldoshi va qizlariga bag‘ishlangan jigarlik, dilbandlik va otalik mehr-muhabbati barq urib ufurib turgan “Onam yig‘lar”, “Fotima”, “Madina”, “Uzr”, “Rafiqamga”, “Ey, jufti halolim”, “Lolaqizqaldoq” singari ko‘plab she’rlarining hozir ham keng kitobxonlar tilida mehr bilar aytilib, o‘qilayotganidan ham bilsa bo‘ladi.

Shoirning buningdek ta’sirli misrali bilan kitobxon ko‘nglidagi yurtsevarlik daraxtining ildizi yanada mustahkamlanadi, barglari ko‘rkamlashadi. Zotan, yaxshi she’r mudroq ko‘ngillarni uyg‘otishi, uyg‘oq ko‘ngillarning hiddatini oshirishi darkor.

Vatan haqida umimiy ruhda yozilgan she’rlar adabiyotimizda istagancha topiladi. Muhammad Yusuf she’rlarinig ulardan farqli jihati, bu hassos shoirning

vatan haqiqidagi she'rlarini o'qiganingizda bevosita O'zbekiston haqida so'z ketayotganini sezib turasiz. Shoir she'ri "O'zbekiston" deya nomlashi, unga beriladigan ta'rif yorqinroq his qilinishi uchundir

Aslida, yuksak va teran ma'nolar ifodasiga xizmat qilgan soddalik hamma murakkabliklardan balandda turadi. Chunki bunday she'rlarni birgina istak bilan yaratib bo'lmaydi. Bunday cho'qqiga Xudo bergan judayam noyob iste'dod orqaligina ko'tarilish mumkin: "Padarkushdan pana qilib Ulug'beging quchgayman...". Ha, murakkab va ziddiyatli hayot haqida bu darajadagi shaffof soddalik bilan yozish uchun shoir faqat va faqat yuksalishi kerak bo'ladi, tushishi emas! O'zbek xalq ijodi — folklorni, mumtoz she'riyatimizning ulug' vakillari — Bobur, Mashrab ijodini eslasak, aytmoqchi bo'lgan muddaomiz yanada oydinlashadi.

Muhammad Yusuf vatanparvarlik, millatparvarlik mavzusidagi she'rlarida yurt madhini baland pardalarda o'ta samimiy, to'lqinlanib, yonib, ayta oldi. Vatanni e'zozlab, xalq, millat g'ururuni oshufta dil bilan ulug'ladi. Tarixiy shaxslarga, ona tiliga, vatanga, millatga mansub har bir narsaga e'tibori va bu ehtirom bilan baland badiiy saviyada ifodalay olgani she'rlarining ta'sirchanligini yanada oshirdi.

Muhammad Yusufning Vatan mavzusidagi she'rlarining ahamiyati shundaki, u vatan haqida shunchaki yozib bo'lmasligini, dililingda yurt sevgisi balqib turmagan bo'lsa, yozganlarning shunchaki tizmalar bo'lib qolishini isbotladi. U XXI asr boshidagi o'zbek she'riyatida vatanparvarlik mavzusidagi she'rlarning eng go'zal namunalarini yaratishi bilan vatanparvarlik lirikasini yuksak pag'onaga olib chiqdi. Muhammad Yusufning vatanparvarlik lirikasini xalq og'zaki ijodi, yozma adabiyotimizda yurt mavzusida bitilgan asarlarning eng yaxshi jihatlarini uyg'unlashtirgan tarzda davom etdirib, yangilagan she'rlar deyish mumkin. Bir so'z bilan aytganda Muhammad Yusuf shoir sifatida vatan haqida, xalq haqida qanday yozish kerakligining yuksak namunasini ko'rsatdi.

Dostonlardagi mahzunlik tariximizdagi qora dog‘lardan ko‘ngilga ko‘chgan iztiroblar aksidir. Tariximizda millatni sotganlar, bir – birini oyog‘idan tortganlar ozmuncha bo‘lganmi?. Shoir yuragini qiynagan dardlar – o‘z tarixini yaxshi bilmaslik, og‘izbirlik yo‘qligi. Muhammad Yusuf dostonlarida har bir so‘zning o‘z o‘rni bor. Shoirning so‘z qo‘llash mahorati mazmun mohiyatiga mos so‘zlarni kerakli joyda ishlatishida ko‘rinadi. Dostonlarda arxaizmlardan ham, sheva so‘zlaridan ham me‘yorda foydalanadi muallif. Umuman asar tili, kitob haqida so‘z ketganda professor Nizomiddin Mahmudovning quyidagi fikrlarini eslash o‘rinli bo‘lurdi: “Kitobdagi so‘z rost va raso bo‘lishi, kitoxonni ishontirishi, tuyg‘ulariga ta’sir qilishi yoki, kamida, bu tuyg‘ularni qiynamasligi shart. Aks holda, kitobning sariq chaqalik qiymati qolmaydi. Kitob badiiy bo‘ladimi, ilmiy bo‘ladimi, bundan qati nazar, undagi til tugal, til idroki intizomi uchun ibrat maqomida bo‘lmog‘i lozim” (“O‘zAS”. 2014 yil 10 yanvar). Muhammad Yusuf she‘rlarida ham, dostonlarida ham kitobxon tuyg‘usini qiynamaslik, aksincha uni yolqinlashtirish ustivorligini sezamiz. Ishontirish qudratini tuyamiz.

Shoir dostonlarida Vatanga bo‘lgan muhabbatni, el-yurt oldidagi farzandlik burchini hamisha his qilib yashash tuyg‘usini, o‘z qadrimizga o‘zimiz yetishimiz, bo‘laman degan el botirim deb yashashi darkorligini ta’sirli misralarda qalbga qo‘r soladigan qilib ifodalaydi. Vatan suvratini ko‘nglimizda yanada jilolantirib, bir-birimizni avaylab mehrla umr kechirish istagini lovullatadi. Yurt tinchligi eng ulug‘ ne‘matligi va buning qadriga yetish mas’uliyatini sezdiradi. Muhammad Yusuf dostonlari uning iste’dodining ko‘lami, she‘riyatning katta – kichik janrlarida, har qanday mavzuda badiiy jihatdan puxta, fikriy teran asarlar yoza olishining isbotidir.